



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 12 » iyun

№ 240

Toshkent sh.

### Хива шаҳрида Ҳалқаро этноспорт фестивалини ўтказиши чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 майдаги ПҚ-259-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда ҳалқ ўйинларини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ҳалқаро миқёсда ушбу йўналишда амалий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 майдаги ПҚ-259-сон қарорига мувофиқ 2023 йилдан бошлаб Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба **Ҳалқаро этноспорт фестивали** (кейинги ўринларда – фестиваль) ўтказилиши ҳамда Тошкент шаҳрида Миллий спорт турлари ва ҳалқ ўйинлари музейини ташкил этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Этноспорт ассоциациясининг **Ҳалқаро этноспорт фестивалини 2023 йил 7-10 сентябрь кунлари Хива шаҳридаги “Иchan қалъа” тарихий мажмуасида ўтказиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.**

3. Куйидагилар:

**Ҳалқаро этноспорт фестивалини ўтказиши бўйича ташкилий қўмита таркиби** (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) 1-иловага мувофиқ;

**2023 йилда Хива шаҳрида Ҳалқаро этноспорт фестивалини ташкил этиш ва ўтказиши бўйича чора-тадбирлар режаси** (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ;

**Ҳалқаро этноспорт фестивалини ўтказиши тартиби тўғрисидаги низом** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар **раҳбарлари** – Ташкилий қўмита аъзолари чора-тадбирлар режасида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича шахсан масъул ва жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Куйидагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

чора-тадбирлар режасида назарда тутилган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ҳамда сифатли бажариш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

фестивални ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни тезкор ҳал қилиш;

фестиваль ўтказиладиган жойлар техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозланишини таъминлаш;

фестивални юқори савияда ташкил этиш ва саҳналаштириш мақсадида бош режиссёрни танлаш;

фестивалга чет элдан иштирокчиларнинг келиши ва кетиши, уларга виза расмийлаштириш, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштириш.

5. Хоразм вилояти ҳокимлиги:

фестиваль ўтказиладиган майдон ва худудларни тайёрлаш, шунингдек, Хива шаҳрида кенг кўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширсин;

Хива ва Урганч шаҳарларининг марказий кўчалари, диққатга сазовор жойлари, фестиваль ўтказиладиган мажмуа атрофларига Этноспорт ассоциацияси томонидан тақдим этилган фестиваль ҳақида маълумот берувчи реклама роликлари, маҳсус баннерлар, афиша ва плакатлар вақтинча ўрнатилишини таъминласин;

фестиваль доирасида Хива шаҳрида “Халқаро этнофестивал боғи”ни ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки, фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар:

50 фоизи – Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси доирасида назарда тутилган маблағлар ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

50 фоизи – Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, ҳомийлик хайриялар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмасига фестиваль доирасида “Иchan қалъа” тарихий мажмуасида ҳалқимизнинг миллий маданияти ва урф-одатларини намоён қилувчи ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда санъат асарлари кўргазмали майдончаларини ташкил этиш тавсия этилсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги:

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Этноспорт ассоциацияси билан биргаликда фестивалга меҳмонлар ва иштирокчиларни Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик

ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали таклиф этишни таъминласин;

Ёшлилар сиёсати ва спорт вазирлиги тақдим этган рўйхатга асосан фестивалга Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва дипломатлик ваколатхоналар вакилларини таклиф қилсин;

Ёшлилар сиёсати ва спорт вазирлигининг виза талабномасига асосан фестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Ўзбекистон Республикаси га кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик йигимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фестиваль давомида меҳмонлар ва иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширасин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фестиваль ўтказиладиган ҳудудларда тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этсин, тадбирлар ўтказиладиган вақтда санитария қоидалари, нормаларига ва гигиена нормативларига қатъий риоя этилишини назоратга олсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси фестивалда хорижий давлатлардан этноспорт йўналиши бўйича иштирок этиш мақсадида келадиган иштирокчилар учун божхона постларида қулайликлар яратсин.

Бунда фестиваль иштирокчиларига, истисно тариқасида, фестиваль доирасида ташкил этиладиган тадбирлар учун спорт жиҳозлари ва отлар, тадбирлар доирасида ишлатиладиган стендлар ҳамда реклама материалларининг (каталоглар, прейскурантлар, плакат, планшет, буклет, брошюра ва бошқалар) божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан ва божхона тўловлари ундирилмасдан, шунингдек, рухсат берувчи ҳужжатларни ва сертификатларни расмийлаштирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кирилиши ва қайтариб олиб чиқиб кетилишига рухсат берилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ёшлилар сиёсати ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси ҳамда Этноспорт ассоциациясининг Олимпия ва паралимпия шон шуҳрати музейида (кейинги ўринларда – Музей) умумий чекланган штат бирликлари доирасида **Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўлимини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ёшлилар сиёсати ва спорт вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Этноспорт ассоциацияси:

халқ ўйинлари ва миллий спорт турларига оид экспонатларни Музейда сақлаш ва намойиш этиш учун ажратсин;

вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда уларга тегишли бўлган этноспорт турлари ва халқ ўйинлари мавзусидаги экспонатлар белгиланган тартибда Музейга берилишини ташкил этсин;

ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, миллий ўйинларни (ланка, чиллақ, оқ теракми – кўк терак ва бошқалар) ўзида акс эттирган майдончалар ташкил этилишини таъминласин.

Миллий телерадиокомпания билан биргаликда Музейда намойиш этиш учун миллий спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалардаги иштироки тўғрисидаги видеофильмларни яратсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва Этноспорт ассоциацияси билан биргаликда:

2023 йил 1 июлга қадар фестивални маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

фестивалга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, фестиваль веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда муунтазам ёритиб борсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И. Икрамов ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Ж.Р. Рахимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “12” июндаги 240-сон қарорига  
1-илова

**Халқаро этноспорт фестивалини ўтказиш  
бўйича ташкилий қўмита  
ТАРКИБИ**

- |                     |   |
|---------------------|---|
| 1. А.Н. Арипов      | - Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,<br><i>Ташкилий қўмита раиси</i>                     |
| 2. А.И. Икрамов     | - ёшлар сиёсати ва спорт вазири, <i>Ташкилий қўмита раиси ўринbosари</i>                      |
| 3. Ж.Р. Рахимов     | - Хоразм вилояти ҳокими, <i>Ташкилий қўмита раиси ўринbosари</i>                              |
| 4. А.З. Саъдуллаев  | - ёшлар сиёсати ва спорт вазириининг биринчи<br>ўринbosари – Ёшлар ишлари агентлиги директори |
| 5. О.А. Назарбеков  | - маданият ва туризм вазири   |
| 6. Ш.Х. Шерматов    | - рақамли технологияларни ривожлантириш вазири  |
| 7. А.Ш. Иноятов     | - соғлиқни сақлаш вазири  |
| 8. Б.Ж. Аълоев      | - ташқи ишлар вазири ўринbosари   |
| 9. Р.М. Джураев     | - Миллий гвардия қўмондони  |
| 10. Б.Т. Абдуллаев  | - ички ишлар вазири ўринbosари  |
| 11. А.Х. Қулдашев   | - фавқулодда вазиятлар вазири   |
| 12. Б.Қ. Юсупалиев  | - Санитария-эпидемиологик осойишталик<br>ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси                 |
| 13. А.К. Кўчимов    | - Миллий ахборот агентлиги Бош директори  |
| 14. А.Д. Хаджаев    | - Миллий телерадиокомпания раиси  |
| 15. О.О. Касимов    | - Миллий олимпия қўмитаси раиси   |
| 16. У.М. Мустафоев  | - “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви<br>раиси в.б.                                      |
| 17. Ш.Ш. Худайкулов | - “Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви раиси   |
| 18. Р.Ф. Джураева   | - “Uzbekistan Airports” АЖ бошқаруви раиси  |
| 19. Х.Н. Хасилов    | - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси в.б.  |
| 20. У.Т. Абдуллаев  | - “Хунарманд” уюшмаси раиси   |
| 21. О.К. Норинбоев  | - Этноспорт ассоциацияси раиси, <i>Ташкилий қўмита<br/>котиби</i>                             |

**Изоҳ.** Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишига ўтган тақдирда, унинг таркибига  
ушибу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарши  
юкланган шахслар киритилади.

Ташкилий қўмита раиси томонидан қўмита таркибига заруратга кўра бошқа давлат  
органлари ва ташкилотлари вакиллари киритилиши мумкин.

**2023 йилда Хива шаҳрида Халқаро этноспорт фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
<b>I. Халқаро этноспорт фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий масалалар</b>					
1.	2023 йил сентябрь ойида Хива шаҳрида Халқаро этноспорт фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ўтказиши.	<p>1. Чора-тадбирлар режасидаги топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг масъул ижро чиларини белгилаш, ишларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш масалаларини муҳокама қилиш юзасидан Ташкилий қўмита ўтказишини ўтказиши.</p> <p>2. Фестиваль доирасида:</p> <p>иштирокчиларни кутиб олиш, меҳмонхонага жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт билан таъминлаш ва кузатиш;</p> <p>маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда уларнинг оммавий-ахборот воситаларида ёритилишини таъминлан;</p> <p>маданий дам олишни ташкил этиш, таржимонлар ва волонтёрлар билан ишларни ташкил қилиш.</p> <p>3. Таржимон ва волонтёрларга йўриқнома асосида тушунтиришлар бериш.</p>	2023 йил июнь-август	-	Халқаро этноспорт фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита
2.	Фестиваль ўтказиладиган жойни тайёрлаш (Хива шаҳридаги “Иchan Калъа” тарихий мажмуаси худуди).	1. Фестиваль ўтказиладиган жойни (шу жумладан, бино-иншоотларни) белгилаш тўғрисида Хоразм вилояти ҳокимининг тегишли қарорини қабул қилиш.	2023 йил июнь	-	Хоразм вилояти ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар	
		<p>алоҳида) ҳамда хорижлик делегациялар учун алоҳида павильонлар ташкил этишни, шунингдек, кўнгилочар тадбирлар, овқатланиш шохобчалари, автотураргоҳлар, эко-ҳожатхоналар учун алоҳида жойлар ва спорт тадбирлари ўtkазиладиган жойлар ажратилишини назарда тутиш.</p> <p>2. Нуфузли ландшафт дизайнерларини жалб қилган ҳолда, фестиваль доирасида Хива шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш.</p> <p>3. Фестиваль ўтказиладиган худудда муҳандислик-коммуникация тармоқларини соз ҳолатга келтириш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шу жумладан, тунги ёритиш чироқлари устунларини тартибга келтириш.</p> <p>4. Фестивалнинг бадиий қисмини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида “Иchan Қalъa” тарихий мажмуасида ҳар бир маданий ва спорт тадбирлари учун жойларни белгилаш ҳамда тегишли саҳналар куриш.</p>	<p>2023 йил июль-август</p> <p>2023 йил август</p>	Хоразм вилояти ҳокимлиги маблағлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги, “Ўзсувтъминот” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтъминот” АЖ	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
3.	Фестивалга меҳмонлар ва иштирокчиларни таклиф этиш.	<p>Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали фестивалга меҳмонларни таклиф этиш. Бунда куйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>ташриф буюрадиган меҳмонларнинг рўйхатини шакллантириш;</p> <p>мехмонларнинг келиб кетишларини ўзида мужассам этган режа-графикни тайёрлаш;</p> <p>фестивалга вакиллари келиши кутилаётган хорижий давлатлар билан музокаралар олиб бориш ва уларга тегишли таклифномаларни юбориш.</p>	2023 йил июль-август	-	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги	

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
4.	Фестиваль иштирокчиларини меҳмонхона таъминлаш.  билин	1. Хива шаҳри ва унга чегарадош туман (шаҳар)лардаги мавжуд меҳмонхоналар бўйича тегишли маълумотларни шакллантириш.  2. Меҳмонхоналарда меҳмонларни қабул қилиш имконияти етарли бўлмаган тақдирда, Урганч шаҳридаги меҳмонхоналарга меҳмонларни жойлаштириш чораларини кўриш.	2023 йил июнь  2023 йил сентябрь	Ижрочилар маблағлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, вазирлик ва идоралар, ташаббускор тадбиркорлик субъектлари
5.	Фестиваль иштирокчиларининг овқатланишини ташкил этиш.	1. Меҳмонларнинг овқатланишини ташкил этиш бўйича ишчи гурух таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш.  2. Хива шаҳридаги овқатланиш шохобчалари ва ресторонлар бўйича тегишли маълумотларни шакллантириш.  3. Меҳмонларнинг овқатланишини юқори даражада ташкил этиш.	2023 йил август  Фестиваль кунлари	Ижрочилар маблағлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
6.	Фестивалга шартнома асосида автотранспорт корхоналарини жалб этишга кўмаклашиш.	Этноспорт ассоциацияси буюртмасига мувофиқ фестивалга ташриф буюрадиган Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси раҳбарлари ва масъул ходимларига хизмат кўрсатиш учун 10 та енгил автотранспорт, 15 та йўловчи ташувчи кўп ўриндикили автотранспорт, 10 та автобус билан таъминлаш.	Фестиваль кунлари	Ижрочилар маблағлари	Транспорт вазирлиги, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти
7.	Фестивалнинг бадий қисмини юқори савияда ташкил этиш.	1. Фестиваль дастурини ишлаб чиқиши.  2. Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш ҳамда бадий қисмларини тажрибали сценарист ва режиссерлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларини жалб этган ҳолда юқори бадий савияда тайёрлаш.	2023 йил июнь,  2023 йил июль-сентябрь	Ижрочилар маблағлари	Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Миллий телерадиокомпания

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		3. Дастурни туристик ташкилотларга тақдим этиш ҳамда фестивал веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.			
8.	Эсадлик совғаларини (буюмлар) тайёрлаш.	Фестивални тарғиб этувчи эсадлик буюмлари ва босма маҳсулотлар (брэндбук, памфлет, буклет ва бошқалар) тайёрлаш.	2023 йил июль	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Ўзбекистон Этноспорт асоциацияси, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
9.	Маҳаллий темир йўл вокзаллари ва аэропортларда меҳмонларни муносиб кутиб олиш ва кузатиш.	1. Хориждан ташриф буорадиган фестиваль иштирокчиларини маҳаллий темир йўл вокзаллари ва аэропортларда кутиб олиш ҳамда кузатиш бўйича штаблар ташкил қилиш. 2. Меҳмонларни кутиб олиш жойларига фестиваль тўғрисидаги маълумотномаларни ўрнатиш. 3. Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси раҳбарлари ва бошқа аъзоларни Ислом Каримов номидаги “Тошкент” ҳамда “Урганч” халқаро аэропортининг VIP зали, шунингдек, “Тошкент”, “Урганч” темир йўл вокзали орқали белгиланган тартибда кутиб олиш ва кузатиш. 4. Фестиваль кунлари Тошкент шаҳридан Хоразм вилоятига ҳаракатланувчи фестиваль иштирокчилари учун йўловчи поездларига белгиланган тартибда жойлар ажратилиши ва зарур ҳолларда кўшимча поездлар ҳамда лозим бўлганда чартер рейслар кўйилишини таъминлаш.	2023 йил август  Белгиланган муддатларда	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Этноспорт асоциацияси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Uzbekistan Airports” АЖ, “Uzbekistan Airways” АЖ, туристик ташкилотлар
10.	Фестивални ўтказиш даврида хавфсизлик чораларини кўриш.	Фестивални ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тез тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чораларини кўриш.	Фестиваль кунлари	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
11.	Фестиваль веб-сайтини яратиш.	<p>Тадбирни юкори савиядга ёритиш мақсадида фестивалнинг веб-сайтини яратиш ва унда ахборотларни уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) мунтазам ёритиб бориш.</p> <p>Фестивалда иштирок этиш истагини билдирадиган хорижий давлатлар иштирокчиларининг ушбу веб-сайт орқали онлайн ариза топширишлари ва рўйхатдан ўтишлари учун имконият яратиш.</p>	2023 йил июль-август	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Этноспорт ассоциацияси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги

## II. Маданий-маърифий тадбирлар

12.	Маданий тадбирларни ташкил этиш.	<p>1. Республикализнинг моҳир ошпазлари иштирокида икки босқичли “Ош пишириш чемпионати”ни ташкил этиш.</p> <p>2. Мамлакатимизда етиштирилган сара қовунлардан “Қовун сайли”ни ташкил этиш.</p> <p>3. Фестивалнинг ёпилиш маросимида тантанали мушакбозликни ташкил этиш.</p> <p>4. Фестивалнинг ёпилиш маросимида Хумо қуши фонида (<i>200 ta дронлар иштирокида</i>) дронлар шоусини ташкил этиш.</p> <p>5. Фестивалда миллий халқ ўйинларида иштирок этадиган (200 нафар) болалар учун маҳсус кийимларни тайёрлаш.</p> <p>Бунда: ўғил болалар учун – қора шим, оқ яктак, белбоғ, дўппи, қора рангли туфли;</p>	Фестиваль кунлари	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	<p>Хоразм вилояти ҳокимлиги, Миллий ошпазлар ўюшмаси</p> <p>Хоразм вилояти ҳокимлиги</p> <p>Мудофаа вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги</p> <p>Рақамли технологиялар вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги</p> <p>Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги</p>
-----	----------------------------------	---	-------------------	---	--

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		<p>қиз болалар учун – атлас лозим, атлас қўйлак, қора рангли туфли, дўппи.</p> <p>Болаларнинг фестивалга тайёргарлик кўриш жараёнига ўз вақтида тўлиқ иштирок этишларини таъминлаш.</p>	2023 йил июнь-сентябрь		Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
13.	Маҳаллий хорижий ахборот фестивални ёритиш.	<p>1. Фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирлар, унинг мақсади ва вазифаларини маҳаллий ва хорижий ОАВларда мунтазам ёритиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш ва тасдиqlаш.</p> <p>2. Фестивални тарғиб этувчи камидаги 3 та реклама роликларини тайёрлаш, марказий ва барча маҳаллий телеканалларда мунтазам намойиш қилиш.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консуллик идораларини фестивални тарғиб қилувчи фото ва видеоматериаллар билан таъминлаш, шунингдек, чет эл ОАВлари орқали сайёҳлар ҳамда фестивалда иштирок этишга ундовчи тарғибот материалларини намойиш этиш.</p> <p>4. Фестивални хорижлик сайёҳлар экскурсия маршрутига киритиш.</p>	2023 йил 1 июль 2023 йил июнь-сентябрь 2023 йил давомида 2023 йил июль	- Ижрочилар маблаглари ва хомийлик хайриялари	Ахборот ва оммавий коммуникация агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Этноспорт ассоциацияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, вазирлик ва идоралар  Маданият ва туризм вазирлиги
14.	Фестивалда халқимиз маданияти ва урфодатларини намоён қилувчи санъат асарларини намойиш қиласидиган кўргазмали майдончаларни ташкил қилиш учун шароитлар яратиш.	<p>1. Ҳар бир худуднинг ўзига хос миллий санъат асарлари ва маданий ҳаётини акс эттирувчи кўргазмали майдончалар макетини тайёрлаш.</p> <p>2. Республикасининг ҳар бир (14 та) худудидан ўзбек миллий қофози, матолари, каштадўзлик, керамика, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик санъат асарлари усталари иштирокини таъминлаш.</p> <p>3. Фестиваль учун ажратилган майдон худудида рассомлар хиёбони ташкил этиш ва фестиваль иштирокчиларига маҳорат дарсларини намойиш этиш.</p>	2023 йил август Фестиваль кунлари Фестиваль кунлари	Ижрочилар маблаглари ва хомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика “Хунарманд” ўюшмаси, Ўзбекистон Этноспорт ассоциацияси, Ўзбекистон бадиий ижодкорлар ўюшмаси

T/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
15.	Хорижлик меҳмонларни Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва маърифий хаёти билан таништириш.	<p>1. Хорижлик фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларни шаҳарнинг тарихий обидалари ва дикқатга сазовор жойлари билан яқиндан таништириш мақсадида экскурсия маршрутини ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Экскурсия маршрутига киритилган жойларни белгиланган тарзда ободонлаштириш, таъмирлаш ҳамда меҳмонларни қабул қилиш учун шай ҳолатга келтириши.</p> <p>3. Фестивални ўтказишга тайёргарлик қўриш жараёнлари ҳақида маҳсус хужжатли фильм суратга олиш ва барча миллий телеканаллар орқали уч тилда намойиш этиши.</p>	<p>2023 йил июль</p> <p>2023 йил август</p> <p>2022 йил август-сентябрь</p>	-	<p>Маданият ва туризм вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги</p> <p>Хоразм вилояти ҳокимлиги</p> <p>Кинематография агентлиги, Миллий ахборот агентлиги</p>
16.	“Wi-Fi” ҳудудларини ташкил этиши.	Ташкилий қўмита мурожаатига асосан фестиваль ўтказиладиган ҳудудда бепул “Wi-Fi” хизматини ташкил этиши.	Фестиваль кунлари	Ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	Ракамли технологиялар вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги

### III. Халқаро тадбирлар

17.	Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси ҳамкорлигига халқаро спорт тадбирларини ташкил этиши.	<p>1. Мусобақалар низомини ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда тасдиқлаш (кураш, белбоғли кураш, турон яккакураши, ўзбек жанг санъати, баҳодирлар ўйинлари ва тош кўратиш, масрестлинг, бел олиш ва учкураш, камондан отиш, отспорти турлари).</p> <p>2. Тасдиқланган низомга мувофиқ халқаро мусобақаларни юқори савияда ташкил этиши.</p> <p>3. Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси ҳамкорлигига форумни ташкил этиши ва ўтказиш.</p>	2023 йил сентябрь	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режаси, ижрочилар маблағлари ва ҳомийлик хайриялари	<p>Ёшлилар сиёсати ва спорт вазирлиги,</p> <p>Хоразм вилояти ҳокимлиги,</p> <p>Ташқи ишлар вазирлиги,</p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,</p> <p>Ўзбекистон Этноспорт ассоциацияси</p>
-----	---	--	----------------------	---	---

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
<b>IV. Фестиваль тадбирларини молиялаштириш</b>					
18.	Фестивални молиялаштириш.	<p>1. Фестиваль харажатлари сметасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши.</p> <p>2. Тасдиқланган смета харажатлари асосидаги маблагларни фестивални ташкил этиш бўйича буюртмачига фестиваль жараёнлари бошлиномасдан олдин тўлаб бериш чораларини кўриш.</p>	2023 йил июль  2023 йил 15 август		Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Этноспорт ассоциацияси, Маданият ва туризм вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “12” июнданги 240-сон қарорига  
3-илюва

## **Халқаро этноспорт фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Халқаро этноспорт фестивалини (кейинги ўринларда – Фестиваль) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Фестиваль қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ўтказилади:

халқ ўйинларини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, халқаро миқёсда ушбу йўналишда амалий ҳамкорлик ва спорт алоқаларини кучайтириш;

этноспорт турларининг тарихи, халқ ўйинларини мукаммал ўрганиш, ёш авлодда халқ ўйинларига бўлган муҳаббат туйғуларини камол топтириш, уларни мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, она Ватанга ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялаш;

этноспорт турларини ривожлантириш, халқ ўйинларини янада оммалаштириш, ўзбек миллий спорт турлари, бошқа халқларнинг турдош спорт турлари бўйича халқ ўйинларини қамраб олиш.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**мандат комиссияси** – фестиваль доирасида ташкил этиладиган халқаро спорт тадбирларида иштирок этиш истагини билдирган спортчилар ҳолатини ва хужжатларини ўрганувчи ҳакамлар ҳайъати аъзолари таркибидан шакллантириладиган орган. Мандат комиссияси таркиби ҳакамлар ҳайъати томонидан тасдиқланади;

**спорт тадбирлари иштирокчиси** – фестиваль доирасида ташкил этиладиган халқаро спорт тадбирларида иштирок этиш истагини билдирган маҳаллий ва халқаро спортчилар;

**фестиваль иштирокчиси** – фестиваль доирасида ташкил этиладиган маданий ва спорт тадбирларида иштирок этувчилар, шунингдек, хорижий давлатларнинг ушбу йўналишларда ташриф буюрадиган вакиллари, маҳаллий ва чет эллик оммавий ахборот воситалари вакиллари;

**форум иштирокчиси** – Бутунжаҳон этноспорт конфедерациясига аъзо давлатларнинг вакиллари, мутахассислари ҳамда фахрий меҳмонлар;

4. Фестиваль ҳар икки йилда бир марта ўтказилади.

5. Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда – Фестиваль ташкилотчиси) томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

6. Фестиваль ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида ташкил этилади.

## **2-боб. Фестивални ўтказиш тартиби ва шартлари**

7. Фестиваль доирасида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

этноспорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда уларнинг аҳамиятини янада ошириш юзасидан форум;

хорижий ва Ўзбекистон спортчилари иштирокида халқаро мусобақалар; икки босқичли миллий ош пишириш чемпионати;

сайиллар, мамлакатимизнинг дунёга машхур шахслари ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида замонавий усулда саҳналаштирилган дастур намойишлари;

ўзбек миллий қоғози, миллий матолари, керамика ва ёғоч ўймакорлиги майдончалари;

наққошлик ва каштадўзлик санъати кўргазмаси;

кулолчилик усталари томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси, бахшичилик санъати тарихига оид кўргазма, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий-тадқиқот асарлари ҳамда илмий-маърифий адабиётлар намойиши;

мамлакатимизда етиштирилган сара қовунлардан “қовун сайли”;

миллий халқ ўйинларидан кўргазмали ўйинлар;

миллий либос ва миллий тақинчоқлар билан кўргазмали чиқишлиар, театрлаштирилган томошалар, асқия ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиши;

фестиваль кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ва гала-концерт.

8. Фестивалга мос даврда Тошкент шаҳридан спорт жиҳозлари ҳамда соҳа мутахассислари жалб қилинади.

9. Фестивалнинг ишчи тиллари ўзбек, инглиз ва рус тиллари ҳисобланади.

10. Фестиваль доирасида ўтказиладиган спорт тадбирлари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан баҳоланади.

Шунингдек, фестиваль доирасида ўтказиладиган маданий ва спорт тадбирларига ҳар бир мамлакатдан иштирокчилар таклиф этилиши, уларнинг яшаш, овқатланиш, Ўзбекистонга келиб-кетиши, ички транспорт ва йўл харажатлари ушбу Низомнинг 15-бандида белгиланган манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

11. Фестивалда иштирок этиш истагини билдирган спортчилар ва жамоалар қуйидаги хужжатларни фестивалнинг веб-сайти орқали тақдим этиши лозим.

иштирок этиш учун маълумотнома (резюме);  
иштирокчининг паспорт нусхаси;  
спорт тури ва вазн тоифаси (*йўналиши*);  
номзоднинг 3x4 ва 10x15 ҳажмдаги рангли фотосурати (4 тадан).

12. Фестиваль доирасидаги спорт тадбирлари ўтказилишидан бир кун олдин иштирокчилар мандат комиссиясига хужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиб, кўриқдан ўтадилар.

13. Маҳаллий ва хорижлик иштирокчилар фестиваль доирасида ўтказиладиган спорт ва маданий тадбирларда иштирок этиш учун фестиваль бошланишидан бир ой олдин мазкур Низомнинг 11-бандида келтирилган хужжатларни Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига тақдим этадилар.

14. Фестиваль доирасида ташкил этиладиган спорт тадбирлари халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланадиган низомларда белгиланган тартиблар асосида спорт турининг хусусиятидан келиб чиқиб ўтказилади.

15. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлик харажатларнинг 50 фоизи – Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси доирасида назарда тутилган маблағлар ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва 50 фоизи – Хоразм вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳамда қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

16. Ўзбекистон Этносport ассоциацияси фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича буюртмачи ҳисобланади.

### **3-боб. Ҳакамлар ҳайъати фаолиятини ташкил этиш**

17. Фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро мусобақаларни баҳолаш учун ҳар бир спорт тури бўйича ҳакамлар ҳайъати фаолияти ташкил этилади.

Ҳакамлар ҳайъати таркибига малакали мутахассислар, таниқли спортчилар ва спорт усталари, шунингдек, иштирокчи давлатлардан тегишли соҳаларнинг фахрийлари киритилади.

### **4-боб. Мукофотлаш тартиби**

18. Фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган иштирокчилар Ёшлар сиёсти ва спорт вазирлиги томонидан медаль ва дипломлар билан тақдирланади.

19. Фестиваль ташкилотчиси, ижодий уюшмалар, жамғармалар, бошқа ташкилотларнинг мустақил равишда ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва мухлислар эътирофига сазовор бўлган спорт тадбирлари иштирокчилари ҳамда фестиваль иштирокчилари “Энг ёш иштирокчи”, “Мухлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши спортчи”, “Фахрий спортчи” каби номинациялар ва бошқа номинациялар бўйича маҳсус диплом ҳамда қимматбаҳо совгалар билан тақдирланади.

20. Ҳар бир спорт тадбири иштирокчилари ҳамда фестиваль иштирокчиларига Халқаро этноспорт фестивали иштирокчиси сертификати тақдим этилади.

## **5-боб. Фестиваль ташкилотчисининг ҳукуқлари ва мажбуриятлари**

21. Фестиваль ташкилотчиси қўйидаги ҳукуқларга эга:

фестиваль бўйича аудио, видео, босма ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш;

фестивалда иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига юбориладиган материаллардан қонунчиликка мувофиқ реклама мақсадида фойдаланиш;

фестивалга етакчи продюсер, менежерлар ва соҳа мутахассисларини жалб этиш.

22. Фестиваль доирасида ўтказиладиган спорт ва маданий тадбирларга ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини белгилаш, фестивалнинг харажатлар сметасини шакллантириш ҳамда Халқаро спорт федерациялари (ассоциациялари) томонидан ташкил этиладиган спорт тадбирлари низомларининг ўз вақтида тасдиқланишини таъминлаш фестиваль ташкилотчисининг мажбуриятлари ҳисобланади.

## **6-боб. Якунловчи қоидалар**

23. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Халқаро этноспорт фестивалини  
ўтказиши тартиби түғрисидаги низомга  
илова

**Хива шаҳрида ўтказиладиган Халқаро этноспорт фестивалини ташкил этиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, тегишли спорт федерациялари (ассоциациялар)	<p>Фестиваль доирасида ўтказиладиган спорт мусобақаларининг низом лойиҳаларини ишлаб чиқади.</p> <p>Халқаро ташкилотлар билан спорт мусобақаларининг низом лойиҳаларини келишади ва тасдиқлади.</p> <p>Тасдиқланган низомларни фестиваль веб-сайтида эълон қиласди.</p>	ҳар йили июль ойида
2-босқич	Ташкилий қўмита	Халқаро этноспорт фестивалини ўтказиши муддатини эълон қиласди.	ҳар йили июль-август ойларида
3-босқич	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, тегишли спорт федерациялари (ассоциациялар)	Халқаро этноспорт фестивалида иштирок этиш истагини билдирган Бутунжаҳон Этноспорт конфедерациясига аъзо давлатлар ва таклиф этилган давлат вакилларидан буортмаларни қабул қиласди.	ҳар йили июль-август ойларида
4-босқич	Махаллий ва хорижлик иштирокчилар	Фестиваль доирасида ўтказиладиган спорт ва маданий тадбирларда иштирок этиш учун фестиваль веб-сайти орқали рўйхатдан ўтиб, тегишли ҳужжатларини Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига тақдим этади.	фестиваль бошланишидан бир ой олдин
5-босқич	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги	Спорт турлари бўйича ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради ва тасдиқлади.	ҳар йили август ойида
6-босқич	Ҳакамлар ҳайъати	Спорт турлари бўйича иштирокчиларни мандат комиссияси кўригидан ўтказади.	мусобақа ўтказилишидан бир кун олдин
7-босқич	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Этноспорт ассоциацияси	Халқаро этноспорт фестивалининг ўтказилишини таъминлайди.	ҳар йили сентябрь ойида